Majburiy bepul nusxa

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 20 октябрь ЧОРШАНБА

№ 83 (12.303)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

**21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

## ЭНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИМИЗ

**Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида бир гуруҳ миллий зиёлиларимиз Ўзбекистонимизда давлат тили ҳақидаги масалани кўтарди. Ўша кезлари олимлар ва адиблар даврасида, сиёсий доираларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда турли-туман, ҳатто, бир-бирига тамоман зид қарашлар ҳам илгари сурилган эди.**

Биринчи фикр тарафдорлари давлат тили аввалгидек рус тили бўлиб қолаверсин, Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили бўлишини тасаввурга сиғдириб бўлмайди, деди. Очиғи, республиканинг расмий доиралари шу эски нуқтаи назарни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган эди.

Иккинчи фикр тарафдорлари ҳам рус, ҳам ўзбек тили давлат тили бўлишига тарафдорлик қилди.

Учинчи фикр тарафдорлари ўзбек тили давлат тили бўлсин, рус тилига эса миллатлараро алоқа воситаси мақоми берилсин, деб чиқди.

Энг ёмони, аввал радио, телевидение ва газеталар орқали айнан биринчи фикрни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиб чиққан айрим номдор олимлар, вазият ўзгараётганини кўриб, иккинчи фикрни ёқлаб чиқа бошлади. Кўп ўтмай, яна ўша кимсаларнинг айнан ўзи учинчи фикрни илгари суришга тушди.

1989 йил июнидан бу масалага муносабатда вазият кескин ўзгарди. Республикага раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов бир қатъий позицияда турди: аҳолининг 75 фоиздан ортиғини ўзбеклар ташкил этса, республикада яшаётган тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, туркманлар, озарбайжонлар, турклар, уйғурлар, татарлар, яҳудийлар ва бошқалар ҳам ўзбек тилини яхши билса, бу тоифа жами 15 фоиз атрофида бўлса, нега ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили бўлмаслиги керак?! Озчилик, яъни 10 фоизга яқин аҳоли сўзлашадиган тил давлат тили бўлиши керакми ёхуд кўпчилик, яъни 90 фоиздан ошиқ аҳоли биладиган тил давлат тили бўлгани маъқулми?

21 октябрь куни бу ғоя Қонун тусини олди. Шу куни республика парламентида "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили деб эълон қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши республикада яшаётган бошқа миллатлар тиллари ривожига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги, аксинча, бу Қонун республикадаги бошқа тиллар ривожига ҳам кенг йўл очиши қатъий қилиб белгилаб қўйилди.

Бу Қонунни қабул қилиш амалда Ўзбекистонимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи йирик қадами эди.

Она тили – ҳар бир халқнинг тараққиёти, онг-тафаккури камолотини таъминлайдиган омил. Ғарб олимларининг тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, таълим она тилида олиб бориладиган ҳудудлар аҳолиси ўртасида жиноятчилик миқдори таълим она тилида олиб борилмайдиган ҳудудлар аҳолиси ўртасидаги жиноятчилик миқдорига нисбатан кескин кам экан. Демак, тил ва маънавият – бир-биридан ажратиб бўлмайдиган масалалар.

Аммо давлат тили ва маънавият масалаларининг кўлами кенг, қамрови катта. Ҳар қандай кишининг маънавияти унинг тили орқали ҳам аёнлашади. Бу – масаланинг бир томони. Кейинги йиллар миллий онгимизда алоҳида тил маънавияти деган янги тушунча ҳам мавжуд. Бу инсоннинг тилга, жумладан, она тилига, хусусан, давлат тилига муносабати даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Давлат тилини ўрганиш масаласини, шартли равишда, иккига бўлиш мумкин:

– она тили ўзбек тили бўлган фуқароларнинг давлат тилини ўрганиши;

– она тили бошқа тил бўлган фуқароларнинг давлат тилини ўрганиши.

Бу икки алоҳида-алоҳида жабҳа. Ҳар бирининг ўз нозикликлари, ўз муаммолари бор, албатта.

(Давоми 2-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН**



*Зангиота туманидаги "Elnur and Ruslan textile" масъулияти чекланган жамияти қисқа вақтда ойига миллион дона болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқара бошлади. Асосийси, маҳсулотлар 100 фоиз экспортга жўнатиляпти.*

*Цехларга замонавий япон ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган. Ҳозир бу ерда 350 тўқимачи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар.*

*– Келгусида матони ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, – дейди корхона раҳбари Демир Хусейн. – Натижада харажатларимиз анча камаяди. Энг асосийси, яна 100 та ишчи ўрни яратилади.*

СУРАТДА: уста Феруза Саидвалиева тикувчи Малика Ғафуровага иш ўргатмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

### КАМСУВ ШОЛИ

Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер Маъруфат Сайдаҳмедова бошчилигидаги бир гуруҳ олимлари яратган "Илғор" нави бу йил ҳам катта майдонларда синовдан ўтказилди. Гектаридан 85-90 центнергача ҳосил тўкаётган бу янги нав ҳозиргача экиб келинаётган навларга нисбатан камсув бўлиб, 123-125 кунда пишиб етилади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

### САФАР ТАДОРИГИ

Халқимизнинг имон-эътиқоди рўшноликка юз тутган мустақиллик йилларида Ҳаж амалларини адо этишдек эзгу орзулар ушала бошлади. Ҳар йилгидек, Қурбон ҳайити арафасида мусулмонлик фарзини адо этишни хоҳлаган вилоятимизнинг 350 фуқароси муборак Ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлишди. Шу кунларда барча тайёргарлик ишлари поёнига етай деб қолди.

Бўлғуси ҳожилар учун гуруҳ раҳбарлари иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, уларга "Ҳаж қўлланма"си, махсус кийимлар тарқатилди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ТЎГАРАКНИНГ ТАШАББУСИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар кенгаши қошидаги ёшлар ижтимоий хизматлари маркази "ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш" тўгараги семинар-тренинг ўтказди.**

Машғулотлар давомида турли интерактив ўйинлар ташкил қилиниб, бугунги кунда давосиз касаллик оқибатлари ҳақидаги фильм намойиш этилди.

Тренинг якунида саволнома-тест ташкил этилиб, иштирокчилар олган билимлари синовдан ўтказилди.

### КАСАБА УЮШМАСИ СТИПЕНДИЯЛАРИ

**Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Баркамол авлод йили муносабати билан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли, етим ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун стипендия таъсис этди.**

2010-2011 йилги стипендияга 20 талаба тавсия этилди. Уларга стипендия пуллари 2010 йил сентябрь-декабрь ойлари учун Конституция байрами арафасида ҳамда 2011 йил январь-февраль ойлари учун март ойида тантанали равишда топширилади.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

### ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда чегара ҳудудларида истиқомат қилувчи вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, диний экстремизм, ақидапарастлик ва маҳаллийчиликнинг олдини олиш мақсадида Бекобод шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида давра суҳбати ташкил этди.**

Сўзга чиққанлар бугунги глобаллашув жараёнларида ёшлар орасида учраётган гиёҳвандлик, ОИТС, диний экстремизм, терроризм каби иллатларнинг оқибатлари ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида гапирди.

Давра суҳбати давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоб олишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўртачирчиқ туманида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида "Тадбиркор – элга мададкор" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда фермерлар, қишлоқ фуқаролари йиғини раислари ҳамда турли соҳа тадбиркорлари иштирок этишди.**

Тадбирда фермер ва тадбиркорликнинг ривожига оид муаммолар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг ижроси, фермер хўжаликлари даромадини ошириш ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, кузги буғдой экишни муваффақиятли якунлаш ва сифатли парваришлашга оид навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

### ЭСКИРМАЙДИГАН МАВЗУ

**Баркамол авлод йили муносабати билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими туманлардаги бир қатор врачлик пунктларида "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этмоқда.**

Тадбирларга маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш оналар ва аёллар таклиф этилмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини яхшилаш, соғлом болаларнинг дунёга келиши учун керакли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда "Ёш оналар" мактаблари ишини жонлантириш бўйича қизиқарли маърузалар ўқилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**25-30 ОКТЯБРЬ – ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ЭМЛАШ КУНЛАРИ**



**Ҳеч бир ота-она фарзандининг касалга чалинишини ёки келажакда ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди. Аммо, баъзилар билимсизлиги ва лоқайдлиги оқибатида кўра-била туриб, ўз боласининг ногирон бўлиб қолиши сабабчи бўлади.**

## БИР ТОМЧИ ВАКЦИНАНИНГ УМРЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Ҳамма шуни яхши билиши керакки, полиомиелитга қарши вакцинанинг бола оғзига томизилган бир томчиси унда шу касалликка қарши деярли бир умрлик иммунитет ҳосил қилади. Шуни ҳисобга олиб, юртимизда юқумли касалликларга қарши курашга жиддий эътибор қаратиб келинади. Юқори савияда ўтказилган профилактик чора-тадбирлар натижасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2002 йилдаёқ Ўзбекистонни шол касаллигининг ёввойи полиовирусидан тўлиқ ҳоли давлат сифатида тан олганди. Аммо бизга қўшни давлатларда полиомиелит касаллиги учраб тургани ва фуқароларнинг юртимизга миграцияси эпидемия хавфининг олдини олиш ҳамда профилактик чора сифатида мамлакатимизда оммавий эмлаш кунлари ўтказиб келинмоқда.

2010 йилнинг май-июль ойларида шол касаллигига қарши уч босқичли миллий эмлаш кунлари доирасида вилоятимизда ҳам 5 ёшгача бўлган 270 мингга яқин бола эмланди. Бу тадбирларнинг юқори савияда ўтказилгани юртимизда эпидемик вазиятнинг барқарорлигини таъминламоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғига асосан, шол касаллигининг ёввойи вирусига қарши оммавий эмлаш кунларининг 4-босқичини ўтказиш режалаштирилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида 25-30 октябрь кунлари ўтказиладиган ушбу миллий эмлаш кунларида 15 ёшгача бўлган болалар қамраб олинади. Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон тажрибасида зарур ҳолларда суб-миллий эмлаш кунларини ўтказиш ҳам тавсия этилади. Юртимизда эса бундай эмлашни полиомиелит касаллик ўчоқлари аниқланган эндемик давлатлар билан чегарадош Сурхондарё вилоятида ўтказиш кўзда тутилган. Бу ҳудудда аҳолининг 25 ёшгача бўлган қисми шолга қарши эмланади.

(Давоми 4-бетда).

**ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

**"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши маърифий-маданий тадбирларнинг сифати, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ноанъанавий ва ўзига хос тарзда ўтказишга катта аҳамият бермоқда. Партия сафига янги аъзоларни жалб қилиш ҳам шу тадбирлар режасида алоҳида ўрин тутади.**

Айниқса, ёшлар фаоллигини ошириш мақсадида турли мавзуларда кўрик танловлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам", "Маҳаллам тарихини ўрганаман" мавзуларида Юқоричирчиқ туманида ўтказилган семинарлар, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзусида Ўртачирчиқ, Зангиота туманларида, "Миллий ҳунармандчилигимиз миллий қадриятларимизнинг бардавомлигидир" мавзусида Чиноз туманида ўтказилган давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирларнинг жонли ўтишини таъминлаш мақсадида ўз электоратимизга унинг мавзуси ва кўзланган мақсад ҳақида маълум қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиляпти. Бундай маънавий-маърифий тадбирларни имкон қадар чекка қишлоқ ва овуллар, маҳаллаларда ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Уларда нафақат олим, шоир, ёзувчилар ва партиямиз фаоллари, балки иштирокчиларга ҳам сўз берилиб, кўтарилган мавзу бўйича уларнинг фикрлари кейинги фаолият йўналишимизни белгилашда асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

## «УЧИНЧИ СЕКТОР» УЧУН ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

**Мамлакатимиз кучли фуқаролик жамияти сари жадал одимлаётган бугунги кунда нодавлат секторининг ривожи янада муҳим аҳамият касб этади.**

Зеро, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш ҳамда мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтиришда нодавлат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Республикамизда бундай ташкилотларнинг эркин фаолият юритишини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, Конституциямизнинг 58-моддасида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради, дея таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

# КОМИЛЛИК САРИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида "Дунёнинг мафкуравий манзараси – 2010" мавзусида электрон ўқув курси ташкил этилди.**

Унда ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими кенгашларининг маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлимлари мудирлари, масъул ходимлар, фаоллар иштирок этди.

Уч кунлик семинар-тренингда иштирокчилар юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида атрофлича мулоҳаза юритишди. Ўқув-машғулотлар давомида иштирокчилар келгусида тарғиб этилиши лозим бўлган мавзулар борасида тажриба алмашишди. Тадбирда ҳаракат масъуллари томонидан республикамиз бўйлаб олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида маҳалла, хотин-қизлар фаолларини кенг жалб этган ҳолда турли учрашув, анжуман, давра суҳбатлари ўтказишга келишиб олинди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".**

## 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

**Ҳеч бир юртда ёшларга ғамхўрлик Ўзбекистондаги каби давлат даражасига кўтарилмаган бўлса керак. Баркамол авлод йилида ёшларнинг ҳар томонлама тўкис бўлиб вояга етишлари учун уларнинг ташаббускорлик ва инноваторлик хислатларини янада ривожлантириш, янги ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тегишли дастур ва бир неча янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.**



Республика Президентининг "Таълим муассасаларини битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ёш авлодни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш, улардаги тадбиркорликка бўлган интилишни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш ва ёш тадбиркорлар сафини кенгайтиришда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг алоҳида ҳиссаси бор. Ўтган тўққиз ойда банк вилоят бўлимининг фақат тадбиркор аёлларга кўрсатган хизмати 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бунинг самараси ўлароқ, 1000 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Шу йилнинг ўтган даврида банк ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун касб-ҳунар коллежларининг 969 битирувчисига умумий ҳисобда 1,7 миллиард сўм имтиёзли микросармоялар ажратди. Бошловчи тадбиркорларнинг кўпчилиги чеварлик, пазандалик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қизлар.

Яқинда вилоят ҳокимлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шундай рақамлар келтирилди.

"Ёш тадбиркор – юртга мададкор" мавзусидаги анъанавий йиғилишда "Микрокредитбанк" раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, коллеж мураббийлари ҳамда битирувчилар иштирок этишди. Қатнашчилар бугунги кунда тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги муаммолари, ёшларни кичик бизнесга жалб этиш учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ушбу йиғилиш якуни қатнашчилар, хусусан, битирувчилар учун, айниқса, қизиқарли бўлди. Унда "Микрокредитбанк"нинг энг яхши бизнес режаларига ажратилган микрокредит лойиҳалари учун сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Саид АСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** лойиҳалари молиялаштирилган ёш тадбиркорлар.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ – ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

**Мамлакатимизда транспорт воситалари сони тобора кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг масъулиятини янада оширишни тақозо этади.**

Кенг ва равон йўлларимиз, уларда ҳаракатланаётган замонавий автомобиллар юртимиз кўрки, халқимиз фаровонлигининг белгиси. Бунинг қадрига етиш, йўлларимизнинг янада кўркам, бехатар бўлишига эришиш – ўз қўлимизда.

Аммо баъзи ҳолларда йўл ҳаракати иштирокчилари томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш ҳоллари учраётгани ва бу кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётгани ачинарлидир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда 7,5 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 1 минг 427 нафар киши ҳалок бўлган, 8 мингдан зиёд одам турли даражада тан жароҳати олган. Гарчи мазкур рақамлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада кам бўлса-да, ҳар бир рақам ортида инсон тақдири турганини унутмаслигимиз керак.

Таълим муассасаларида фарзандларимизга йўл ҳаракати қоидаларига оид илк сабоқлар берилаётгани эътиборга лойиқ. Болаларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, умумтаълим мактабларида "Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари" клублари, "Ёш автоназоратчилар" гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг ҳаракат хавфсизлигига оид халқаро миқёсда ўтказилаётган қатор танловлар ғолиби бўлгани бу борадаги ишлар самарасидир. Шунингдек, "Диққат, болалар", "Таътил", "Диққат, пиёда", "Яшил чироқ" каби тадбирлар ёшларга йўл қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушунтиришда қўл келмоқда.

Ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиши соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ойлик давомида транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Аҳоли орасида бу борадаги профилактик тадбирлар кучайтирилади.

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, пиёдалар иштирокидаги турли кўнгилсизликлар сони ортиб бормоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт серқатнов кўчаларда махсус ер ости йўллари қурилган. Лекин, афсуски, пиёдалар бундай қулайликдан фойдаланиш ўрнига йўлдан транспортларни оралаб кесиб ўтаётганини кўп кузатиш мумкин. Ачинарли томони шундаки, катталарнинг йўл қўяётган хатоларини болалар такрорламоқда.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилаётгани, жумладан, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари ҳаракат вақтида хавфсизлик камаридан фойдаланишлари шартлиги, ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида мобиль телефондан фойдаланиши тақиқлангани йўлларда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётир. Аммо кўпгина ҳайдовчилар бунга ҳамон беписандлик билан қарамоқда. Йўл патруль хизмати инспекторлари бир кунда ўртача уч минггача хавфсизлик камаридан фойдаланмаётган қоидабузар ҳайдовчини жаримага тортаётгани буни тасдиқлайди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 67 мингга яқин ҳайдовчига ҳаракат пайтида телефонда гаплашгани учун маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Ҳар куни остона ҳатлаб кўчага чиқишимиз билан йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Доимо ҳушёр ва эътиборли бўлиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш хавфсизлигимиз кафолати эканлигини унутмайлик.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

**Мамлакатимизда халқ ишониб сайлаган депутатларнинг роли ва масъулияти тобора ошиб бормоқда. Депутат сайловчиларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, зарур ҳолларда ечимини кутаётган муаммоларни биргаликда ҳал этишга кўмаклашиши лозим.**

# ДЕПУТАТ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БИЛАДИМИ?

Ўтган йили "Адолат" СДПдан 57-сайлов округидан вилоят кенгаши депутатлигига сайланганимда энг аввало бундай оғир масъулиятни кўтара оламанми, деган фикр кўнглимдан кечди. Чунки, халқ сенга ишониб овоз берганидан кейин, шубҳасиз, уларнинг ишончини оқламоғинг керак.

Шу мақсад йўлида астойдил ишга киришдим. Ўз дастурий йўналишларимни сайловчиларим олдида тарғиб қила бошладим.

"Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамкорлигида жойларда учрашувлар ташкил қилиниб, сайловчилар ўртага ташлаган таклиф ва мулоҳазалар ёзиб олинди.

Депутат сифатида ҳозирда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросига қўлимдан келганча кўмаклашяпман. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мактаб ўқувчилари спорт-соғломлаштириш, фан олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларга жалб этилмоқда. Шу боис спортчи ўқувчилар вилоятимиз миқёсидаги нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашаётир.

Болалар спортини ривожлантириш, айниқса, чекка қишлоқ жойларида яшовчи қизларни спортга жалб этиш мақсадида тумандаги 11-мактабда амалий тадбир ўтказилди. Шунингдек, шу мактабдан етишиб чиққан, миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган ўқувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида бажараётган ишларимиздан яна бири ижодкор, иқтидорли ёшларга ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидир. Улардан Саида Сангинова, Зарнигор Убайдуллаева, Шоҳсанам Зокирова, Зуҳра Эшонқулованинг ижодий машқлари "Жилғалар илҳоми" тўпламига киритилди. Ўқишда ва спортда юқори натижаларга эришган ўқувчилар "Тошкент вилояти таъмирлаш фирмаси" раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.

2010 йилдаги муҳим тадбирлардан бири "Дўстлик" маҳалласи ҳамда 11, 30-умумтаълим мактабларида бўлиб ўтди. "Энг улуғ ва энг буюк мақсадимиз – баркамол авлод тарбияси" мавзуидаги суҳбат ва мулоқотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Депутатлик фаолиятимизда туман тасарруфидаги муассасаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг уйларини таъмирлашга ҳам ёрдам кўрсатилмоқда. Тўрт оиланинг уйини таъмирлаб беришга 5 миллион 780 минг сўм маблағ сарфланди.

Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида "Иқтидорли ёшлар – юрт истиқболи" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган Обиджон Юнусов ёшлар билан дилдан суҳбатлашди.

Айни пайтда ўзим раҳбарлик қилаётган "Халқобод" МЧЖ жамоаси пахта тозалаш корхоналари ва умуман пахта саноати учун техник асбоб-ускуналарнинг зарур эҳтиёт қисмларини етказиб бериш ва уларни таъмирлашга кўмаклашмоқда. Бу борада корхонамизнинг "Ўзпахтамаш" билан ҳамкорлик ўрнатгани яхши самара бермоқда.

Депутат сифатида ҳали амалга ошириш лозим бўлган ишларимиз жуда кўп. Халқ ичига яқинроқ кириб, самарали фаолият юритиш асосий мақсадимиз. Депутатлик сўровномасини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилаяпман. Таъкидлаш керакки, депутатлик сўровномасига бефарқ бўлмаяпмиз, сир эмас, қўйилган масаланинг жойида ҳал қилиниши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун доимо масъулиятни ҳис этиб ишлашимиз зарур. Ҳозир туманимиз йўлларини таъмирлаш, айрим маҳаллалардаги сув танқислиги муаммосини ҳал этиш зиммамиздаги муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу борада Янгийўл туман ҳокимлиги билан бақамти иш олиб бораяпмиз.

Республика Президенти БМТнинг олий минбаридан туриб сўзлаган нутқида экологик муаммоларни дадил ўртага ташлади. Биз ҳам ўз депутатлик дастуримизда экология масалаларига, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз.

**Гулнора МУЯССАРОВА, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати.**

## ТАДҚИҚОТ

# РАҲБАР САЛОҲИЯТИ

### бугунги янгиланиш, яратиш ва ободонлаштириш даврида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Таълим тизимини такомиллаштириш демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг қабул қилиниши, ҳуқуқий-тарбия ва ҳуқуқий-таълимни уйғунликда ривожлантириш орқали ҳуқуқий давлат барпо этишга катта ҳисса қўшади. Бу дастурда белгиланганидек, "Таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, илғор восита ва усуллардан кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб этади. Зеро, раҳбар нафақат муайян билимларга эга бўлиши, балки уларни амалиётда қўллай олиши зарур".

Жамиятда ҳуқуқий савод ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган раҳбар кадрларга эҳтиёж ва эътибор ҳам ортиб бормоқда. Ҳуқуқий маданият ва тафаккур фуқаролик жамиятининг маънавий шакл-шамойили, давлатчилик ривожи ва ҳуқуқий тизим такомилининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳуқуқий тафаккурнинг ўсиши раҳбарнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб боришига, буларнинг барчаси мамлакат тинчлигини таъминловчи қадрият даражасига кўтарилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, ҳуқуқий маданият даражаси давлатда қабул қилинган қонунларнинг сони билан эмас, балки уларнинг ижроия самараси билан ўлчаниши керак. Дарвоқе, ҳуқуқ деганда юридик хусусиятга эга бўлган меъёрларни эмас, ҳуқуқий муносабатлар (ҳуқуқ ва бурч) мажмуасини тушунмоқ лозим. Шу туфайли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда битилган қоидаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқий маданиятни ижтимоий онгга сингдириш, раҳбарлар феъл-атворида тегишли кўникмаларни ривожлантириш осон иш эмас. Бу мақсадга эришиш учун институтимизда бир қанча усуллар, жумладан, раҳбар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий ҳужжатлар ҳамда шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан фойдаланиш билан боғлиқ кўникмалар олишга, Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўрганишда тингловчилар учун шароитлар яратиш, келажак раҳбарининг педагогик билим ва қобилиятларини ошириш замонавий раҳбарнинг тизимни ташкил этувчи сифатидаги тамойиллари йўлга қўйилган.

Юртбошимиз маърузаларида, нутқ ва асарларида давлат хизматчилари ва раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблар, уларнинг раҳбар сифатида шаклланиши, камол топиши қанчалик муҳим эканлиги батафсил тушунтириб борилмоқда. Президентимиз айтганидек, энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Раҳбар ходим мустаҳкам иродали, имони бут, ориятли бўлиши шарт. У бағрикенг, айни замонда, талабчан бўлиши лозим. Масъулиятни англамайдиган, мақтовни ўзи олиб, хато ва камчиликни бошқаларга ағдарадиган, тили бошқаю, дили бошқа раҳбарлар ҳеч нарсага эришолмайди. Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам ортидан эргаштира оладиган раҳбарлар керак. Чунки, бундай етакчилар халқни жипслаштиради, хайрли ишларга сафарбар этади.

Юқоридаги саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад – доимо олға интилиб ва етакчилик маҳоратини такомиллаштириб борувчи салоҳиятли раҳбарларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришдир. Чунки, миллий давлатчилигимизнинг барқарор ривожланиши таълим тизимининг ҳар томонлама етук, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга бой кадрлар тайёрлаб беришига бевосита боғлиқдир.

**Қундуз СОЛИҲОВА, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш марказий институти катта ўқитувчиси.**

## НИГОҲ

# ДЎКОННИ ЁП, СОЛИҚЧИ КЕЛАЯПТИ!

**Ночор техник таъминот ва ҳисоб-китобнинг ўрта асрча усули Тожикистоннинг солиқ органларини республика кичик ва ўрта бизнес объектларини аёвсиз бўғувчи бетайин, аммо, даҳшатли машинага айлантирди. Солиқ органлари ходимлари бебошлик қилиб, шундоқ ҳам талаб ва эҳтиёж камайиб бораётганидан хонавайрон бўлаётган хўжалик юритувчиларни таламоқдалар. Қонун ишламаяпти. Маҳаллий солиқ бошқармалари солиқ ставкаларини ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳамда юқоридан бўладиган талабларга қараб белгилайдилар.**

Республика бюджетидаги танқислик сурункали тус олди. Қабул қилинадиган қонун давлат хазинаси харажатларининг фақат асосий параметрларини тартибга солади. Негаки, тушган маблағлар қачон тамом бўлиши ва улар ўрнини қаердан тўлдириш мумкинлигини парламентчилар ҳам, президент ҳам олдиндан айтиб беролмайди. Пуллар тугашга келиб қолганда солиқ органлари "умумий йиғим" буйруғини оладилар. Бу "ҳеч нарсага қарамай, маблағ тўплансин!" degани.

Бу йил "умумий йиғим" буйруғи янада тез-тез такрорланаяпти. Асосий фондлар Роғун ГЭСи қурилишига давлат харажатлари ниқоби остида апрель ойидаёқ талон-торож қилиб юборилди. Май ойининг биринчи кунларида солиқчилар ишни кучайтиришди. Республика солиқ тизими кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларидан пул маблағларини зўрлик билан тортиб олишга ўтдилар. Савдо ўринлари эгалари солиқни аллақачон тўлаб қўйганларини тасдиқловчи квитанцияни кўрсатишларининг фойдаси йўқ. Имомали Раҳмоннинг кимки муайян суммага ГЭС акциясини сотиб олса, солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилиш ҳақидаги ваъдасига ишонган одамларнинг акцияларни кўрсатишлари ҳам инобатга олинмаяпти.

Солиқчи – тошдан қаттиқ. У шундай шарт қўяди: савдо ўрни эгаси бошлиқ белгилаган ставкадаги пулни тўлайди ё уни жиддий текширув кутади. Текширувнинг нима билан тугаши эса аниқ. Тадбиркорнинг бор мол-мулки, моддий-техник воситалари мусодара қилинади. Ўзи оғир дақиқаларда мамлакатга ёрдам беришдан бош тортган Ватан "хоини" сифатида ёпиқ вагонда шимолий вилоятларга жўнайди.

Ўтган йили Панжикент туманида ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб ётгани боис мамлакат бюджетига молиявий маблағлар тушуми борйўғи 20 фоиз бажарилди. Тумандан давлат бюджетига йўналтирилган маблағнинг 75 фоизи олтин қазиб олувчи "Зарафшон" корхонасига тегишли. Корхона ишлаб чиқариш норентабелли бўлгани боис ёпиб қўйилган. Бироқ, бунинг ҳукуматнинг туман учун белгилайдиган солиқ юкига ҳеч қандай таъсири бўлмади. Энди солиқ юкининг 25 фоизини тўлаб қўйган тадбиркор ва ер эгалари бу фоизларни бутунлигича тўлашлари керак.

"Умумий йиғим" туманда йил бўйи давом этади. Панжикент тумани солиқ хизмати бошлиғи пул маблағлари йиғиш учун савдо-воситачилик билан шуғулланувчи ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ҳамма тадбиркорларни ҳар куни бирмабир "зиёрат" қилиб чиқади. Таҳдид ва қўрқитиш, қаердадир зўравонлик билан бўлса-да, режа бажарилиши керак. Акс ҳолда бу бошлиқ ёғли ўрнидан ажрайди ва "баррикада"нинг нариги томонида қолишга мажбур бўлади. Бунда унинг ўзини эзиб-бўғиб, солиқ тўлашга мажбур қилишади. У эса буни мутлақо истамайди ва бундай қилолмайди ҳам.

Бизнеснинг имкониятлари резина эмас. Ортиқча юк кўп тадбиркорларни эзиб қўйиб, дўконларини ёпишга мажбур бўлмоқдалар ва бу билан бошқа тадбиркорлар елкасига тушадиган юкни янада оғирлаштирмоқдалар. Жаҳон молиявий инқирози юз минглаб тожикларни ишсиз қолдириб, уларнинг оилаларини даромад манбаларидан маҳрум этди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатди. Одамлар топган пулларини алам-андуҳ билан бераяптилар, аммо бу етмаяпти. Қачонки, ҳукумат белгилаб бераётган солиқ юки енгиллаштирилмас экан ёки ҳукуматнинг ўзи янгидан тузилмас экан, республиканинг бошқа кўпгина туманларидаги каби Панжикент туманидан давлат бюджетига тушум ҳам ҳеч қачон бажарилмайди. Биринчи ҳолатда давлат бюджетини ўз ихтиёри билан сарфлаш учун сайлаб қўйилган ҳукумат "тирикчилик" учун маблағсиз қолиши мумкин ва у бунга асло йўл қўймайди. Вақти-соати аллақачон етиб қолган иккинчи ҳолат эса, шу йил ноябрда, яъни иссиқ ёз тугаб, биринчи совуқ ва очяланғоч кунлар келганида юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

**Виктор ЖДАНОВ.**
tjmigrant.com.

"Камолот сари транс" МЧЖ томонидан қуйидаги: "Форд" русумли, давлат рақами 10 О 0721 бўлган автоуловга амал қилиш муддати 06.11.2008 йилгача бўлган, 07.08.2008 йилда берилган АТ № 0001443 рақамли, "ГАЗ-2705" русумли, давлат рақами 30 М 1638 бўлган, амал қилиш муддати 14.11.2008 йилгача бўлган 15.08.2008 йилда берилган АТ № 0001500 рақамли, "ИСУЗУ САЗ № Р-37" русумли, давлат рақами 11 AY 360 бўлган, амал қилиш муддати 01.10.2009 йилгача бўлган, 03.10.2008 йилда берилган АТ № 0001851 рақамли, "ГАЗ-2705" русумли, давлат рақами 30 А 4736 бўлган, амал қилиш муддати 29.01.2009 йилгача бўлган, 30.10.2008 йилда берилган АТ № 0002067 рақамли автоуловда шаҳар атрофида йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 01.08.2008 йилда № 002346-01 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300902578) "MAVIS TRADE" хусусий корхонасининг мулкчилик шакли ўзгариб, масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилади.

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги қошида очилган "G`AZALKENT MATLUBOTINVEST" давлат унитар корхонаси 2010 йил 25 августда юк ташувчи Хаитов Абдуназар номига юк олиш учун берилган № 135, № 137, № 138-сонли ишончномалар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Қуйичирчиқ тумани СИБ томонидан, 03.03.2010 йилдаги № 2199-сонли ижро ҳужжатига асосан, Қуйичирчиқ тумани Чакмак қишлоғида жойлашган, "ККС-3" МЧЖга тегишли бўлган бино иншоотлар ва тош майдалагич ускуналари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 298 142 775 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 9 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими уюшма аъзоси, шоир ва публицист **Ҳамид НОРҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Ўртачирчиқ туман «Машъал» газетаси муҳаррири **Ҳамид НОРҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

